

МАФКУРАВИЙ ТАЪСИРЛАР КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МУАММОЛАРИ.

Бойкалонов Қобил Ғайбуллаевич
Республика маънавият-маърифат маркази
Каттақўрғон шаҳар бўлинмаси раҳбари
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7238162>

АННОТАСИЯ: Бугунги кунда глобаллашув жараёнлари чуқурлашаётган ва сифат жиҳатдан ривожланаётган шароитда миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, миллий манфаатларни ҳимоялаш, барқарорлик ва маънавий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашда ёшларни миллий ғурур руҳида тарбиялаш. Бу жараёнда миллий қадриятларни ўрни ва аҳамиятининг таҳлил қилиш билан боғлиқ замонавий услубларнинг назарий ва амалий жиҳатларини илмий ишда очиб беришни мақсад қилиб қўйдик.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Маънавий-мафкуравий таҳдидлар, глобаллашув, миллий қадрият, ақидапарастлик, мафкуравий иммунитет.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг халқимиз табиати ва дунёқарашларига мутлақо ёт бўлган коммунистик мафкурага баҳрам берилди. Айнан мана шундай шароитда бегона ва ёт ғоялар халқ ва жамият ҳаётига ўз таъсирни ўтказишга ҳаракат қилади.

Айниқса янги жамиятга мос ғоя шакилланмаса мафкуравий таҳдид кучаяди, аҳоли кенг қатламлари хусусан ёшларнинг онгини эгаллашга ўринишлар авж олади. Ўтган асрнинг соънги чорагидан бошлаб мамлакатимизга хуруж қилган “Вохобийлик” “Хизбу тахрир” каби зарарли оқимлар, турли секторлар диннинг асл моҳиятини билмайдиган оддий одамларни, ғўр ёсҳларни йўлдан оздира бошлайди. Ҳозирги кунда жамиятимиз ҳаётига жиддий хавф тўғдираётган мафкуравий таҳдидлар қуйдагилардан иборат:

- Ислом халифалигини тиклаб унинг бойроғи остида мусулмон халқларини янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;
- Ёш мустақил давлатларни собиқ итифоққа бирлаштириш ғояси ;
- Тарихимизни, миллий қадриятларимизни сохталаштиришга ўринишлар ахлоқсизлик ғояларини ёйиб халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар ;
- Турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можораларнинг келиб чиқишига қаратилган ҳаракатлар.

Бу таҳдидлар жамият, давлат ёки халқнинг мафкура масалалари ва маънавиятга етарли эътибор қаратмагани таълим тарбия соҳасида ўзибўларчиликка йўл қуйилгани натижасида содир бўлади, ғоявий ожизлик ҳолатида янада кучайиб боради. Миллий ўзликни англаш –ўз миллати халқининг урф –одатлари, ананаларини билиш ва унда фахирланиш демакдир миллатнинг ўз оъзининг англаши эса оъз эрки ва озодлигига эга бўлган ўзгаларга қарам бўлмаган миллат сифатида жаҳон ҳамжамияти орасида обру эътиборга эга эканлиги халқаро муносабатларга ўз маънфатларини химоя қила олиш салоҳияти билан белгиланади.

Ўзлигини англаган халқ ўз ҳаётини ўзи белгилай олади, келгуси авлодлар олдидаги маъсулиятини ҳис этади, мамлакат мустақиллиги ва тараққиётини таминлай олади. Ўзликни англаш жараёни энг аввало кишиларни ўзлигини англашидан бошланади. Янги юқорида тақиқлангандай киши ўз насли аждодлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлганини уларга муносиб авлод бўлишга ҳаракат қилади. Оиласининг ҳурматини сақлаш учун ўзини ҳар хил номақбул ишлардан тияди. Оиладаги ҳар бир шахс ана шу жиҳатларга эътибор қаратар экан жамиятда ҳам маънавий ҳаёт жонланади. Жамиятнинг маънавий тараққиётини даражаси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари рувожида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда хусусан таълим муассаларида ёшлар маънавиятининг юксалтириш миллат ўзликни англаш тўғрисида мустаҳкамлаш миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб этиш борасида кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада айниқса, тарих миллий истиқлол гўйаси, президент асарлари каби фанлар орқали ўқувчиларга кенг билим ва тушунчалар бериб келинмоқда. Инсон ҳаётдан жуда кўп нарсаларни ўрганади. Хусусан, одоб ахлоқ маънавият миллий ўзликни англаш баробарида ҳам ҳаёт бизга кўп жиҳатдан собоқ беради. Ёшларга ҳаётдан ибрат олишни биз катталар айниқса педогоглар бу боради ёш авлодга ибрат наъмунаси бўлишлари лозим.

Хулоса ; Мустақиллигимизни дастлабки кунларидан бошлаб тарихий анъана ва қадриятларимизни эъзозлаш, аждодлар руҳини шод этиш, улар қолдирган илмий ва тарихий меросни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга етказиш масалаларига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Сабаби, турли тарихий даврларда ҳам тарихий анъана ва урф-одатларни келажак авлодга ўз ҳолича етказиш ҳар бир халқ олдида турган муқаддас вазифалардан бири бўлиб келган. Бизга маълумки, инсонларнинг яшаш

тарзи, туғилиши ва то умри тугагунича, анъанага, тарихан шаклланган одатларга таяниб яшайди. Бунда ҳар бир миллатнинг алоҳида бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатлари билан бирга бир-бирига ўхшаш жиҳатлари ҳам бўлади. “Миллий қадриятларнинг миллий ғуруруни шакллантиришдаги аҳамияти” деб номланиб, мазкур бобда Глобаллашув ва ахборот асрида ёшларни миллий ғурур руҳида тарбиялашда миллий қадриятларни асраб-авайлашнинг тарихий зарурияти, тил, маданият ва маънавият, онг ва ғурур масалаларига эътибор миллий қадриятлар юксалшининг асосий омили эканлиги, Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотида миллий ғурур тушунчаси ва унинг ўзига ҳос хусусиятлари ифодаланган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мирзиёв Ш.М Танқидий таҳлил қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятинг кундалик қондаси бўлиши керак –Т Ўзбекистон 2017.104
2. Мирзиёв Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз . – Тошкент , 2017.
3. И.А.Каримов . Миллий истиқлол ғояси - халқ этиқоди ва буюк келажакка ишонч халқ - Т.: "Ўзбекистон". Т.8. 2000 й. 502-бет.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш асосида . –Т.: Ўзбекистон, 2011.